



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович -
Тошкент молия институти
Банк иши кафедраси доценти, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a19

Аннотация. Ушбу мақолада банк активлари ликвидлигини таъминлашда Марказий банкнинг ўрни, тижорат банклари капиталининг ҳолати, уларнинг ликвидлигига таъсири тадқиқ этилган. Шу билан бирга, активлар сифатининг унинг ликвидлигига, шунингдек, депозитлари ва ўз маблағларининг таъсири эконометрик усуллар орқали таҳлил қилинган. Мақолада банк активлари ликвидлигига тижорат банклари ўз маблағларининг таъсири, Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрий кўрсаткичлар таъсири, Марказий банкнинг монетар сиёсат воситалари орқали таъсири эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, банк активлари, активлар ликвидлиги, тижорат банки ликвидлиги, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик, депозитлар, мажбуриятлар, ликвидлилик rischi, мажбурий захира, қайта молиялаш.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРАКТИКИ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЛИКВИДНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович -
Доцент кафедры банковского дела Ташкентского
финансового института, кандидат экономических наук

Аннотация. В данной статье рассматривается роль Центрального банка в обеспечении ликвидности банковских активов, состояние капитала коммерческих банков и их влияние на ликвидность. При этом влияние качества активов на его ликвидность, а также депозитов и собственных средств проанализировано с помощью эконометрических методов. В статье исследуется влияние собственных средств коммерческих банков на ликвидность банковских активов, влияние экономических нормативных показателей, устанавливаемых Центральным банком, и влияние инструментов денежно-кредитной политики Центрального банка с использованием эконометрических моделей.

Ключевые слова: коммерческие банки, банковские активы, ликвидность активов, ликвидность коммерческого банка, платежеспособность, финансовая устойчивость, депозиты, обязательства, риск ликвидности, обязательный резерв, рефинансирование.

CURRENT ISSUES OF THE PRACTICE OF REGULATING THE LIQUIDITY OF COMMERCIAL BANKS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Izbosarov Boburjon Bakhriddinovich -
Associate Professor, Department of Banking,
Tashkent Financial Institute, Ph.D

Abstract. This article examines the role of the Central Bank in ensuring the liquidity of bank assets, the state of capital of commercial banks, and their impact on liquidity. At the same time, the impact of asset quality on its liquidity, as well as deposits and own funds, was analyzed using econometric methods. The article examines the effect of commercial banks' own funds on the liquidity of bank assets, the effect of economic normative indicators set by the Central Bank, and the effect of the Central Bank's monetary policy tools using econometric models.

Key words: commercial banks, bank assets, asset liquidity, commercial bank liquidity, solvency, financial stability, deposits, liabilities, liquidity risk, required reserve, refinancing.

Кириш. Иқтисодийнинг глобаллашув шароитида доимо “рақобат” деган бозор унсури фаолият кўрсатади. Иқтисодий рақобат йўлида тижорат банкларининг муҳим вазифаларидан бири ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида тижорат

банклари кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш сифатини ошириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белги-ланган[1]. Сўнгги йилларда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, банк активлари ликвидлиги, тўловга қобилиятлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Глобаллашув шароитида республикамиз тижорат банкларининг ликвидлигини таъ-

минлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Хусусан, республикада пандемия сабабли банклардаги муаммоли кредитларнинг (NPL) жами кредитлардаги улуши 5-6 фоизгача кескин кўтарилди. Пандемия билан бир қаторда давлат дастурлари асосида кредитлаш ва банклар томонидан муаммоли кредитлар ҳисобини юритишнинг такомиллаштирилиши натижасида муаммоли кредитлар миқдори сезиларли ўсди. 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг муаммоли кредитлар улуши (4,9 фоиз) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари (5,9 фоиз) ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари (5,2 фоиз) бўйича ўртача кўрсаткичдан пастроқ бўлди. Тармоқлар кесимида муаммоли кредитлар саноат ва қишлоқ хўжалигида сезиларли ошган [2].

Шунингдек, (Basel Committee on Banking Supervision (2021)) банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг Базель-3 талабларига асосан банк активлари ликвидлигига, жумладан, тижорат банклари ликвидлигига алоҳида эътибор қаратилган [3]. Халқаро Базель қўмитасининг тавсияларига асосан тижорат банклари ликвидлигини баҳолашда янги меъёрий кўрсаткичлар жорий қилинди. Жумладан, жорий ликвидлик ва левераж кўрсаткичидан ташқари тижорат банклари учун ликвидликни қоплаш меъёрий коэффициенти ва соф барқарорлаштириш меъёрий коэффициенти жорий қилинди. Марказий банк тижорат банклари томонидан ушбу меъёрларни бажаришини таъминлаш орқали банкларнинг ликвидлиги ҳамда банк активларининг ликвидлигини белгиланган меъёр даражасида назорат қилиш имкони мавжуд бўлади.

Банк активлари ликвидлиги барқарор бўлиши банк мижозларининг банкка бўлган ишончи ортишига ва шу орқали банк тизимида молиявий маблағларнинг оқими кенгайишига олиб келади. Банк активлари ликвидлиги нобарқарор бўлган ҳолатда мижозларнинг банкларга бўлган ишончи камайиб, улар ўз маблағларини банклардан олиб чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса иқтисодиётда банкдан ташқари айланмаларнинг ошишига олиб келади.

Шу сабабли ҳам банк активлари ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиб чиқиш лозим. Ҳар бир омилнинг банк активлари ликвидлигига таъсири қандай даражада эканлиги, қайси омилларни ўзгартириш орқали энг яхши натижаларга эришиш мумкинлиги бўйича аниқ таҳлилларни амалга ошириш керак бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодий адабиётларда банк активлари ликвидлигига иқтисодчилар томонидан деярли бир хил

таъриф берилади. Жумладан, банк активлари ликвидлиги (Yensu Joseph, Hadrat Yusif, 2021) банк активларининг тез пулга айланиш даражасидир [4].

Банк бошқаруви ва банк томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар (Frag, Harald, va Nixon, (2013)) тўғрисида изланишларда эса банк активлари ликвидлигига қулай баҳода, талаб қилинган миқдорда ва керакли вақтда ликвид активларни топа олиш қобилияти, деб таъриф берилган [5].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотиш ва Репобитимларидан кенг кўламда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, бу эса иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги ва қутилаётган даромад назарияси амалиётда қўлланилаётганлиги билан изоҳланади [6].

Ж.Синкининг ушбу хулосаси республикада банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу эса республикада қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг кичик эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мамлакат фонд бозорида операцияларнинг йиллик ҳажмини ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 2026 йилга бориб 7 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган [7].

Россия банклари ликвидлигини қандай қилиб тиклаш (Прокофьева, 2019) бўйича ҳам изланишлар олиб борилган бўлиб, ўз тадқиқотида банк ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни ички ва ташқи ўлароқ, иккига бўлиб ўрганган ҳамда банк ликвидлиги тушунчасига янада кенгроқ ёндашган ҳолда банкнинг қарз, молиявий ва балансдан ташқари мажбуриятларини бажара олиш қобилияти деб таъриф берган [8].

Россиялик иқтисодчи олимлардан (Абдуллазанова, Калачева, 2020) банк активлари ликвидлигига асосий эътибор қаратган ҳолда амалда банк ликвидлик талабини доимо мавжуд активлари ҳисобига эмас, балки банклараро кредит ресурслари бозоридан ресурс жалб этган ҳолда ҳам бажариши мумкинлиги тўғрисида айтади ва банк ликвидлиги умумлашган кўрсаткичлардан бири бўлиб, банк фаолияти ишончилигини кўрсатади ҳамда агар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳеч қандай йўқотишларсиз бажара олса, банк ликвид ҳисобланади, дея таъриф беради [9].

Банк активлари ликвидлилиги банк томонидан ўзининг жорий ва келажақдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит олиш борасидаги мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш учун муҳимдир.

Энди банк ликвидлилигини бошқариш тўғрисида олиб борилган илмий изланишлар ва назариялар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, ушбу мавзуда ҳам хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан илмий қарашлар ва назариялар мавжуд.

Иқтисодиётда молиявий инқирозларнинг бир неча марта такрорланиши оқибатида банклар ўсиб боровчи ликвидлилик rischi билан тўқнашади ва бу, ўз навбатида, банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ана шундай пайтда банк активларида ликвидлилик rischi юзага келганда, ликвидлилик ҳолатини бошқариш жараёнида ликвидлиликнинг мувозанатда бўлиши ёки салбий ҳолатга тушиб қолишида, биргина муҳим стратегик қарор қабул қилиниши орқали банк ликвидлилик ҳолатининг ёмонлашуви олдини олиш ва мажбуриятларни тўлиқ бажаришга эришиш мумкин (Mukherjee, Pana, 2018) [10].

Банк бошқаруви доирасида банк активлари ликвидлилигини бошқариш (Bakhriddin Berdiyarov (2021)) бўйича ёзилган мақолада ҳам банк активлари ликвидлилигини бошқаришнинг мавжуд стратегиялари ёритиб берилган [11]. Ушбу мақолада ликвидлиликни бошқариш активларни бошқариш, фақат пассивларни бошқариш ҳамда бир вақтнинг ўзида иккала, яъни активлар ва пассивларни бошқаришга асосланганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир назорат усуллари ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга эканлигини инобатга олиб, ҳар бир банк кўрсатаётган операциялари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўлланиши тўғрисида фикр билдирилган.

Одатда, ликвидлиликни бошқаришнинг ушбу стратегияси активларнинг трансформацияси деб аталади, чунки пул кўринишида бўлмаган активлар нақд пулга айланиши ҳисобига ликвид маблағлар юзага келади.

Банк тизими ликвидлилиги (Challoumis, 2019) юқори ликвидли маблағлар ҳажми, тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши, Марказий банк томонидан умумий назоратнинг ўрнатилганлиги, шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги билан таъминланади [12].

Банклар фаолиятининг самарадорлиги мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажара олиши билан белгиланади. Тарихдан маълумки (Абдуллаева, 2003), пул алмаштирувчи саррофлар ўз мажбурияти ва қарзларини тўлай олмаса ёки топшириқларни бажара олмаса, ишончни оқламаса ва ўз ишига масъулият-

сизлик қилса, уларнинг столлари синдирилган ва “banco rotto”, яъни банкрот деб эълон қилинган [13].

Банк ликвидлилиги бўйича рискларнинг ортишига таъсир қилувчи бир қанча омиллар мавжудки, бу омиллар банк ликвидлилигига алоҳида аҳамият беришни ва банк ликвидлиги бўйича рискни доимий равишда кузатиб боришни талаб қилади. Шу сабабли банклар ўз даромадидан кечиб бўлса ҳам, ликвидлиликни сақлаб туришга мажбур.

Ўз навбатида, ресурслар банкларнинг даромадличилигини ошириш мақсадига йўналтирилса, унда бу банкнинг ликвидлилигига таъсир кўрсатади. Демак, банкларнинг ликвидлиги ва даромадличилиги ўзаро тескари мутаносибликда намоён бўлади.

Банк активлари ликвидлилигига тижорат банклари ликвидлилиги, Марказий банк монетар сиёсат воситаларидан фойдаланганлик даражаси ва Марказий банк назорат функцияларининг самарадорлиги таъсир кўрсатади.

Банк активлари ликвидлилигини, бу орқали эса банк тизими ликвидлилигини таъминлашда марказий банклар муҳим роль ўйнайди. Улар ўзларининг монетар воситалари орқали банкларнинг ликвидлилигига таъсир кўрсатади, тижорат банклари учун ликвидлилик меъёрларини белгилайди ва уни бажариши устидан мониторингини ўрнатади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада таҳлил қилинган маълумотлар, асосан, тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги маълумотларидан олинди.

Илмий тадқиқотни бажаришда статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, мақолада аналитик тадқиқот сифатида бўйлама кесим (Longitudinal) тадқиқотлари методологиясидан фойдаланган ҳолда таҳлил бирлиги сифатида объект танлаб, маълумотларни бир неча йил давомида ўрганиш орқали тадқиқот муаммоси ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Юқорида таъкидланганидек, банк активлари ликвидлилиги, асосан, активларнинг сифати ва риск даражасига узвий боғлиқ бўлади. Банк активлари ликвидлилиги банк томонидан жорий ва келажақдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан активларни тезда пул маблағига айлантира олиш қобилиятидир.

Банк активлари ликвидлилигини, бу орқа-

ли эса банк тизими ликвидлигини таъминлашда марказий банклар муҳим роль ўйнайди. Улар ўзларининг монетар сиёсат воситалари орқали банкларнинг ликвидлигига таъсир қилади, тижорат банклари учун ликвидлик меъёрларини белгилайди ва унинг бажарилиши устидан мониторинг ўрнатади.

Энди Ўзбекистон банк тизими асосий кўрсаткичлари таҳлили ва ушбу кўрсаткичларнинг банк активлари ликвидлигига таъсирини, яъни тижорат банклари активлар сифати, ўз маблағлари ва депозитларнинг тижорат банклари ликвидлигига таъсирини ўрганиб чиқамиз. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолияти такомиллашиши, хусусан, кредитлаш фаолиятининг кенгайиши, ўз навбатида, кредит кўйилмалари динамикасининг ошишига

олиб келади. Тижорат банклари фаолиятида кредитлаш амалиётининг тутган ўрнини баҳолашда банк активлари ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, халқаро банк амалиётида банк активлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан бир неча баробар юқори салмоқни ташкил этади.

Халқаро банк амалиётида фарқли ўлароқ, республикамиз банк тизими активлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши нисбатан кам бўлсада, ўзининг тараққиёт стратегиясига эга бўлган ёш банк тизимимиз учун сўнгги йилларда ўсиш трендига эгалиги банк тизими активлари мустақамланиб бораётганлигини билдиради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг ЯИМдаги улуши [14]

(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
ЯИМ	249 136	424 728	529 391	602 193	734 187
Банк активлари	166 632	178 340	231 260	272 727	444 922
ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида	56,8	41,9	40,0	40,0	60,0

Мазкур юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк активлари йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга. Яъни 2017 йилда банк активлари 249136 млрд. сўм ёки 56,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу 2021 йилда 60,0 фоизни ташкил этган.

Тижорат банклари активларининг мамлакат ЯИМдаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017-2021 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич мунтазам равишда ўсиб бориш тенденцияси деярли кузатилмаган. Бу натижага ҳуку-

мат томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қатор фармон ва қарорлар мамлакатимизда банклар томонидан реал секторни молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролининг янада ошишига замин яратмоқда.

Банк активларининг диверсификацияси мамлакатимизда фаолият юритаётган “Асакабанк” АЖ ва “Алоқабанк” АТБ мисолида таҳлили қуйидагича:

2-жадвал

“Асакабанк” АЖнинг активлари диверсификацияси таҳлили, млрд. сўм [15]

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	
1.	Жами активлар	суммаси	24 273	30 355	34 698	45 518	50 804
		улуши	100 %	100 %	100 %	100 %	100 %
	шундан,						
2.	Нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар	суммаси	5175	2614	6528	6940	7951
		улуши	21,3 %	8,6 %	18,8 %	15,2 %	15,7 %
3.	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	суммаси	266	328	597	1 295	1 499
		улуши	1,1 %	1,1 %	1,7 %	2,8 %	3,0 %
4.	Кредит ва лизинг операциялари суммаси	суммаси	15 598	24 420	25 552	33 026	36 805
		улуши	64,3 %	80,4 %	73,6 %	72,6 %	72,4 %
5.	Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар	суммаси	240	584	637	1073	1427
		улуши	1,0 %	1,9 %	1,8 %	2,4 %	2,8 %
6.	Молиявий воситалар бўйича мижозларнинг мажбуриятлари	суммаси	2466	1861	240	1403	601
		улуши	10,2 %	6,1 %	0,7 %	3,1 %	1,2 %
7.	Асосий воситалар	суммаси	125	146	202	869	1297
		улуши	0,5 %	0,5 %	0,6 %	1,9 %	2,6 %
8.	Кредит ва лизингларни қоплаш учун олинган ва бошқа мулклар	суммаси	165	72	158	388	508
		улуши	0,7 %	0,2 %	0,5 %	0,9 %	1,0 %
9.	Бошқа активлар	суммаси	238	330	784	524	716
		улуши	1,0 %	1,1 %	2,3 %	1,2 %	1,4 %

Юқоридаги жадвални таҳлил қиладиган бўлсақ, “Асакабанк” АЖ активларининг асосий қисми юқори рискка ва юқори даромад олиш манбаига эга кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2017 йил якунлари бўйича жами активларнинг таркибида кредит қўйилмалари 64,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 80,4 фоизга етиб, рискли активлар салмоғининг кескин ошишига сабаб бўлган. Охириги 3 йил давомида 72 фоиз атрофида сақланиб қолган. Кредит ва лизинглар учун ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар ҳамда кредит ва лизингларни қоплаш учун банк балансидаги мулклар жами активлардаги салмоғи ошган. Бу банкнинг молиявий ҳолати ва ликвидлилигига

салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат банк кредит портфелининг сифати пасайиб бораётганлиги, кредит ва лизингларга катта имтиёзли давр берилганлиги ва муаммоли кредитларнинг мулклари сотилмаслиги сабаб бўлган.

Банкнинг нақд пуллари ва вакиллик ҳисобварақлардаги пул маблағларининг жами активлардаги улуши 21,3 фоиздан 15,7 фоизга тушган. Бунинг асосий сабабларидан банк активларининг таркибида ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар ошиши, банк балансидаги асосий воситалар ва кредитлар эвазига олинган мулкларнинг кўпайиши ликвид активларнинг камайишига олиб келган.

3-жадвал

“Алоқабанк” АТБнинг активлари диверсификацияси таҳлили, млрд. сўм [16]

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	
1.	Жами активлар	суммаси	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
		улуши	100 %	100 %	100 %	100 %	100 %
	шундан,						
2.	Нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар	суммаси	988	946	1134	1074	2415
		улуши	35,4 %	16,2 %	15,4 %	13,2 %	19,1 %
3.	Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	суммаси	10	24	89	411	509
		улуши	0,4 %	0,4 %	1,2 %	5,1 %	4,0 %
4.	Кредит ва лизинг операциялари суммаси	суммаси	1627	4 739	5 593	5 697	7 653
		улуши	58,3 %	81,1 %	76,2 %	70,3 %	60,6 %
5.	Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар	суммаси	3	10	63	133	198
		улуши	0,1 %	0,2 %	0,9 %	1,6 %	1,6 %
6.	Молиявий восита бўйича мижозларнинг мажбуриятлари	суммаси	0	0	0	9	533
		улуши	0,0 %	0,0 %	0,0 %	0,1 %	4,2 %
7.	Асосий воситалар	суммаси	63	83	184	462	812
		улуши	2,3 %	1,4 %	2,5 %	5,7 %	6,4 %
8.	Кредит ва лизингларни қоплаш учун олинган ва бошқа мулклар	суммаси	0	0	17	34	52
		улуши	0,0 %	0,0 %	0,2 %	0,4 %	0,4 %
9.	Бошқа активлар	суммаси	101	44	261	288	466
		улуши	3,6 %	0,8 %	3,6 %	3,6 %	3,7 %

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Алоқабанк” АТБ активларининг асосий қисми юқори рискка ва юқори даромад олиш манбаига эга кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2017 йил якунлари бўйича жами активларнинг таркибида кредит қўйилмалари 58,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 81,1 фоизга етиб, рискли активлар салмоғининг кескин ошишига сабаб бўлган. 2019 йилда 76,2 фоизга, 2020 йилда 70,3 фоизга ва 2021 йилда 60,6 фоизга (нормал ҳолатга) тушган.

Кредит ва лизинглар учун ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар улуши 16 мартага, асосий воситалар улуши 2,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Нақд пуллари ва вакиллик ҳисобварақлардаги пул маблағларининг жами активлардаги улуши 35,4 фоиздан 19,1 фоизга тушган. Бунинг асосий сабабларидан банк активларининг таркибида ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизларнинг кўпайиши,

банк балансидаги асосий воситаларнинг ошиши, молиявий воситалар бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши каби омиллар сабаб бўлган.

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Алоқабанк” АТБ активларининг таркибида кредит қўйилмаларининг салмоғи 2017 йилда 58 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда максимал даражага, яъни 81 фоизга етган. Кейинги 3 йил давомида камайиб, активлардаги салмоғи 61 фоизни ташкил қилган. 2018 йилда банк активлари таркибида кредит портфелининг бундай даражада шаклланиши, албатта, юқори рискларни келтириб чиқариш билан бирга, банкнинг ликвидлилик кўрсаткичлари пасайиб кетишига олиб келган.

Ялпи даромадда кредитлардан олинган фоизли даромаднинг улуши 2017 йилда 43 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 62 фоизни, 2019 йилда 61 фоизни, 2020 йилда 55 фоизни ва 2021 йилда 57 фоизни ташкил этган.

“Алоқабанк” АТБнинг активлари, кредитлари ва даромадлари динамикаси таҳлили, млрд. сўм [16]

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Жами активлар суммаси, млрд. сўм	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
2.	Жами кредитлар суммаси, млрд. сўм	1 627	4 739	5 593	5 697	7 653
3.	Кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғи, %	58 %	81 %	76 %	70 %	61 %
4.	Ялпи даромад, млрд. сўм	367	767	1 345	1 480	1 633
5.	Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	159	473	827	809	923
6.	Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи, фоизда	43 %	62 %	61 %	55 %	57 %
7.	Кредитларнинг йиллик ўсиш суръати, фоизда	63 %	191 %	18 %	2 %	34 %
8.	Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг йиллик ўсиш суръати, фоизда	59 %	197 %	75 %	-2 %	14 %
9.	Кредит портфелининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	15,5	15,7	16,4	14,9	15,2
10.	1 сўмлик кредитга тўғри келадиган банк даромади	0,22	0,16	0,24	0,26	0,21
11.	Кредит портфелининг рентабеллиги	4,3 %	2,9 %	3,5 %	3,0 %	1,4 %

Яъни банкнинг асосий даромад олиш манбаи кредитлаш операциялари ҳисобланган. Бунда даромад олиш манбаларини диверсификация қилиш мақсадида банк активлари ва хизматларини қайта кўриб, шакллантириш лозим.

Кредит портфелининг йиллик ўсиши 2021 йилга келиб, нормал тусга келган. Регулаторнинг талабларини бажариш ва рискли активларни тартибга солиш мақсадида 2018 йилдаги ўсиш кейинги йилларда кредитлаш хажмларининг пасайишига олиб келган. Ўз навбатида, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг йиллик ўсиш суръатлари камайган.

Ажратилган кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси 2017-2019 йилларда ошиб борган, яъни мос равишда 15,5, 15,7 ва 16,4 фоизни таш-

кил қилган. Охирги икки йилда ажратилган кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси пасайган, 2020 йилда кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси 14,9 фоизни ва 2021 йилда 15,2 фоизни ташкил қилган. Бу, асосан, давлат дастурларига асосан ажратилган лойиҳалар ва хорижий валютада ажратилган кредитлар ҳисобига юз берган. Умуман олганда, банк кредитларининг ўртача фоиз ставкасида сезиларли даражада тебранишлар бўлмаган.

Банкларда кредитлашнинг ўсиш суръатларини барқарор сақлаб қолиш ва муаммоли активлар рискни камайтириш мақсадида молиялаштирилаётган лойиҳаларда ташаббускорларнинг камида 30 фоиз ўз маблағи билан иштирок этишини тақлиф этамиз.

“Асакабанк” АЖнинг муаммоли кредитлари ва улар бўйича яратилган захиралар таҳлили, млрд. сўм [15]

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Жами кредитлар суммаси, млрд. сўм	15 598	24 420	25 552	33 027	36 805
2.	Муаммоли кредитлар суммаси, млрд. сўм, шундан	149	181	408	682	753
3.	Муаммоли кредитлар жами кредитлардаги салмоғи, фоизда	1,0 %	0,7 %	1,6 %	2,1 %	2,0 %
4.	Ҳисобот йилида кредитлар учун ташкил қилинган захира суммаси, млрд. сўм	185	243	820	1 234	1 326

Юқоридаги жадвал маълумотларида 2017-2021 йиллар давомида “Асакабанк” АЖнинг кредит қўйилмалари қолдиғи 2,3 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, жами кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши ошган, яъни йилдан-йилга захира суммаси ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Яъни кредит портфели таркибида муаммоли кредитларнинг салмоғи ошиб бораётганлиги, бу, ўз навбатида, активлар самардорлиги пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли “Асакабанк” АЖ кредит портфелини чуқур таҳлил қилиши ва ҳар бир қарздорнинг кредити

бўйича мониторингни кучайтириб, аниқланган муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

6-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, 2017-2019 йилларда банкнинг фоизли даромадлари барқарор ошиб борган. 2020-2021 йилларда “Алоқабанк” АТБнинг фоизли даромадларининг ўсиши сезиларли даражада камайиб кетган. Фоизли харажатлар ҳам шунга мутаносиб равишда ошиб борган. Фақатгина 2021 йилда фоизсиз харажатларнинг ўсиш даражаси пасайишига эришилган ва фоизли харажатлар иқтисод қилинган.

“Алоқабанк” АТБнинг молиявий натижалари таҳлили, млрд. сўм [16]

Т/р	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	
1.	Фоизли даромадлар	218	620	1152	1185	1206	
2.	Фоизли харажатлар	128	356	777	819	798	
3.	Активлар бўйича захира ташкил қилингунга қадар соф фоизли даромадлар	90	264	375	366	408	
4.	Активлар бўйича ташкил қилинган захира суммаси	5	3	8	14	121	
5.	Соф фоизли даромадлар	85	261	367	352	287	
6.	Фоизсиз даромадлар	140	147	193	295	427	
7.	Фоизсиз харажатлар	23	47	68	170	212	
8.	Операцион харажатларга қадар соф даромад	202	361	492	477	502	
9.	Операцион харажатлар	118	189	245	265	362	
10.	Солиқ тўлангунга қадар фойда	84	172	247	212	140	
11.	Фойда солиғи	14	35	47	42	33	
12.	Олинган соф фойда	70	137	200	170	107	
13.	Соф фойданинг йиллик ўсиши	суммаси	19	67	63	-30	-63
		фоизда	37 %	96 %	46 %	-15 %	-37 %

Активлар бўйича ташкил қилинган захира суммаси 2021 йилда 8,5 баробарга ошиб, 121 млрд. сўмни ташкил қилган.

Фоизли харажатларни иқтисод қилиши натижасида таҳлил қилинган даврларнинг барчасида банк соф фоизли даромад олишга эришган. “Алоқабанк” АТБнинг фоизсиз даромадлари барқарор ўсиши таъминланган. Фоизсиз харажатлар ҳам мос равишда ўзгариб борган.


Банкнинг соф фойдаси нобарқарор бўлган. 2020 йилда банкнинг соф фойдаси 15 фоизга, 2021 йилда 37 фоизга камайган. Буни, албатта, банк активларининг самарадорлиги пасайганлиги, кўрсатилаётган хизмат турларининг қисқарганлиги ёки банк харажатларининг ошиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, банкнинг рентабеллиги тушиб кетишига сабаб бўлади.

“Алоқабанк” АТБ мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича таҳлили, млрд. сўм [16]

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Жами мажбуриятлар	суммаси	2 393	4 684	5 945	6 539	10 964
	шундан,						
1.1.	Талаб қилиб олингунча мажбуриятлар	суммаси	1360	1145	1142	1591	2248
		улуши	57 %	24 %	19 %	24 %	21 %
1.2.	1-30 кунгача қайтадиган мажбуриятлар	суммаси	367	279	239	411	793
		улуши	15 %	6 %	4 %	6 %	7 %
1.3.	31-180 кунгача қайтадиган мажбуриятлар	суммаси	382	428	1070	981	2457
		улуши	16 %	9 %	18 %	15 %	22 %
1.4.	181-365 кунгача қайтадиган мажбуриятлар	суммаси	40	185	636	606	1392
		улуши	2 %	4 %	11 %	9 %	13 %
1.5.	365 кундан кейин қайтадиган мажбуриятлар	суммаси	244	2647	2858	2950	4074
		улуши	10 %	57 %	48 %	45 %	37 %

7-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Алоқабанк” АТБнинг 2021 йилдаги жалб қилинган маблағларини қайтариш муддатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 6 ойгача қайтариладиган мажбуриятлар улуши 50 фоизни ташкил қилмоқда. 2017 йилда 88 фоизни ташкил қилган. Беш йил давомида 37 фоизга камайиб, ижобий томонга ўзгариши билан, аммо 6 ой давомида қайтариладиган мажбуриятларнинг улуши юқориликда қолмоқда. 1 йилдан ортиқ муддатда қайтариладиган мажбуриятлар салмоғи 10 фоиздан 37 фоизга ошиб, ижобий натижага эришилган. Бироқ банкнинг кредит портфели активларидаги салмоғига нисбатан анча кам. “Алоқабанк” АТБ мажбуриятларини қайтариш

муддатларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, банкнинг узоқ муддатли ресурслари улуши кам ва узоқ муддатли кредитлаш хажмларини ошириб бориш учун барқарор ресурс база етарли эмас. Банк активлари таркибида асосий улушни кредит қўйилмалари ташкил этган. Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиёти тўғри йўлга қўйилиши, биринчи навбатда, банкларнинг асосий даромадларини шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда банк кредитларининг ўрни катта. Мамлакат ЯИМда банк кредитлари улушининг ортиб бориши иқтисодий тармоқларини ресурс билан таъминлашнинг жадал суръатларда ўсишини билдиради.



1-расм. Банк тизимида ликвидликни қоплаш коэффиценти (LCR), фоизда [2]

Юқоридаги расмга асосан банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio, LCR) Марказий банк томонидан белгиланган меъерий минимал талаблардан анча юқори бўлиши банклар қисқа муддатли ликвидлик шокларига бардош бера олишини кўрсатмоқда. 2020 йил I чорагида кескин карантин чекловлари ўрнатилиши оқибатида иқтисодий фаоллик пасайишига қарамасдан, Марказий банк томонидан ўз вақтида етарлича ликвидлик билан таъминланганлиги натижасида банкларда ликвидликни қоплаш коэффиценти кескин пасайишининг олди олинди. 2021 йил бошида Марказий банк томонидан ликвидликни қоплаш коэффицентини ҳисоблаш методологиясининг ўзгартирилиши хорижий валютадаги соф харажатни аниқроқ баҳолаш имконини яратди. Ушбу ўзгартиришлар юқори ликвидли активлар ҳамда хорижий валютадаги активларга нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтирди. Натижада банк тизимида хорижий валютадаги ликвидликни қоплаш коэффиценти кескин пасайди.

Хулоса ва таклифлар. Банк активлари ликвидлиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакат банк тизимининг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончлилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Банк активлари ликвидлигини ошириш ва унинг таъминланишида Марказий банк муҳим роль уйнайди. Марказий банк монетар сиёсат воситалари орқали банк активлари ликвидлигига бевосита таъсир ўтказса, тижорат банклари учун белгиланган иқтисодий нормативлар бажарилишини таъминлаш орқали банк активлари ликвидлигини назорат қилиб боради. Банк тизими иштирокчилари бўлган ҳар

бир тижорат банки Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий норматив кўрсаткичларини бажариш орқали банк активлари ликвидлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб боради. Юқоридаги таҳлиллар ва маълумотлар асосида банк активлари ликвидлигини ошириш йўналишлари деб қўйидагиларни ҳисоблаймиз:

1. Марказий банк қайта молиялаш ставкаси орқали банк активлари ликвидлигини бошқариш. Бунда Марказий банк банк активлари ликвидлиги муаммоси юзага келганда, қайта молиялаш ставкасини кўтариб қўйиши ва шу орқали тижорат банклари кредитлари ва пул массаси ўсиш суръатини мўътадиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Банк активлари ликвидли активлари профицити кузатилса, қайта молиялаш ставкасини тушириш орқали, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни кредит олишга рағбатлантириш орқали пул массаси ва банк тизими ликвидлигига таъсир кўрсатади.

2. Қайта молиялаш ставкасининг юқори бўлиб туриши миллий валютанинг жамғариш воситаси сифатида фойдаланишига олиб келади. Бу эса тижорат банклари томонидан аҳолининг қўлидаги бўш маблағларни банк депозитлари ва шу орқали ушбу маблағларни банк айланмасига жалб қилиши мумкин. Бунда ушбу бўш турган маблағларни тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бу банк тизими ликвидлигини оширишга хизмат қилади.

3. Марказий банк тижорат банкларига белгиланган иқтисодий норматив кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш орқали тижорат банклари активлари ликвидлиги ва шу орқали банк тизими ликвидлигини назорат қилиб боради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Молиявий барқарорлик шарҳи. 2022 йил 1 ярим йиллик. www.cbu.uz
3. Basel Committee on Banking Supervision. *Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring*. Switzerland: Bank for International Settlements. 2021.
4. Yensu Joseph, Hadrat M. Yusif, Emmanuel Tetteh, George Asumadu, Daniel A. Atuilik. *Main Determinants of Banks' Stability: Evidence from Commercial Banks in Ghana*. *Journal of Finance and Economics*. 2021. Vol. 9. no. 2. P. 42-52.
5. Farag M., Harland D. & Nixon D. *Bank capital and liquidity*. *Bank of England Quarterly Bulletin*, 2013, 53 (3), 201-215.
6. Синки Дж. *Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг*. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 648 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
8. Прокофьева Е.Н. *Ликвидность банковского сектора России в условиях нестабильности: тенденции формирования и последствия для экономики*. // *Вестник Северо-Осетинского государственного университета им. К.Л.Хетагурова*. 2019. № 2. С. 130-136.
9. Абдуллазанова К.З., Калачева Е.А. *Анализ состояния ликвидности банковского сектора России*. // *Научные исследования XXI века*. 2020. № 1(3). С. 112-118.
10. Mukherjee T. and Pana E. *The distribution of the Capital Purchase Program funds: Evidence from bank internal capital markets*. *Financial Markets, Institutions & Instruments*, 2018, 27 (4), pp. 125-143.
11. Berdiyarov B. *Uzbekistan in Banking Practice: Opportunities to Use Foreign Experience to Ensure Liquidity and Solvency of Commercial Banks*. // *ICFNDS 2021: The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems*. December 2021, pp 378-392. <https://doi.org/10.1145/3508072.3508141>.
12. Challoumis C. *Theoretical Definition of the Velocities of Escaped Savings With Than of Financial Liquidity*. *SSRN Electronic Journal*. 2019.
13. Абдуллаева Ш. *Банк иши. Ўқув-қўлланма. Тошкент молия институту*. – Т., 2003. – 312 бет.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида ҳисобланди. www.cbu.uz
15. “Асакабанк” АЖнинг жамланма баланс ҳисоботлари.
16. “Алоқабанк” АТБнинг жамланма баланс ҳисоботлари.
17. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). *ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM*. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
18. Isaev, F. (2021). *Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш*. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
19. Исоев, Ф. (2022). *РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ*. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>



KREDIT BOZORIDA GAROV TA'MINOTIDAN FOYDALANISH ZARURATI VA HORIJ TAJRIBASI

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a20

Abdikarimova Dinara Rustamxanovna -
Toshkent moliya instituti, PhD, dotsent

Annotatsiya. Mazkur maqolada kredit bozorida garov ta'minotidan foydalanish zarurati va xorij tajribasini tadqiq qilishda turli iqtisodchi olimlarning tadqiqotlari o'rganilgan. Kredit bozorida garov ta'minotini boshqarish bosqichlari va mexanizmi, shuningdek, kredit bozorida garov ta'minoti sifatida foydalaniluvchi aktivlar tahlil qilingan. Tahlillar asosida tegishli xulosalar va takliflar shakllantirilgan.

Tayanch so'zlar: kredit bozori, garov, baholash, garov ta'minotini boshqarish, garov ta'minotini boshqarish mexanizmi.

НЕОБХОДИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗАЛОГА НА КРЕДИТНОМ РЫНКЕ И ЕЕ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Абдикаримова Динара Рустамхановна -
Ташкентский финансовый институт, PhD, доцент

Аннотация. В статье изучены исследования различных экономистов о необходимости использования залога на кредитном рынке и его зарубежный опыт. Анализируются этапы и механизм управления обеспечением на кредитном рынке, а также активы, используемые в качестве залога на кредитном рынке. На основе анализа формируются соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: кредитный рынок, залог, оценка, управление залогом, механизм управления залогом.